21 ФЕВ 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 36 (20. 903) 1991 йил 20 февраль, чоршанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ЯШИЛ ЛИБОС — ЎЛКАМИЗГА МОС

НАВРЎЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

МАНА, эл-юртимизга, халқимизга қут-барака келтиради, деб кутганимиз қўй йилининг баҳори ҳам яқинлашиб қолди. Ҳали ўлкамизда қишнинг сўнгги аямажизлари давом этаётган бўлса ҳам кўклам ўзидан дарак бермоқда. Демак, ҳадемай она-замин яна уйғонади. Далалар, боғ-роғлар, қир-адирлар янги ҳосил ташвишида тўлғонади.

Бу йилги кўклам юртимизга ўзгача файз, тароват, ўзгача кайфият бахш этиши кутилмоқда. Чунки қиш қаттиқ келди. Бундай ҳолатда заминдаги, боғ-роғлардаги турли ҳашаротлар қирилиб кетиши бобо-деҳқонларимизга яхши маълум. Бундан кўкламда экиладиган ҳар бир экин, ҳар бир дарахт безавол кўкаради, деб умид қилиш мумкин. Мана шу жиҳатдан олганда ушбу йилда жумҳуриятимизда кўплаб ўрмонзорлар, боғ-роғлар яратиш имконияти вужудга келди.

Айни ана шу мақсадни амалга ошириш учун республикамизда кўчат экиб, боғ-роғлар яратиш, ўрмонзорлар бунёд этиш икки ойлигини ўтказишга қарор қилингани кўнгилдагидек иш бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети қошида икки ойликни ўтказиш бўйича штаб тузилди. Унга Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров раҳбарлик қилмоқда. Штабнинг барча аъзолари қилиниши лозим бўлган ишлар билан таништирилган. Бу йил боғ, узумзорлар яратиш, эски боғларни таъмирлаш ва тиклаш ишлари сифатини оширишда кескин бурилишга эришилиши керак.

Бу халқимизнинг дастурхонини тўкин қилиш, иқтисодимизни мустаҳкамлашда муҳим омилдир. Буни ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро билиб олмоғи керак. Шунинг учун ҳам баҳор бошланишига саноқли кунлар қолганда ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ олиб, ишни кўнгилдагидек ташкил этиш муҳимдир. Жумладан, ўтган йил баҳор ва куз фаслидаги кўчат экишдан кўпчиликнинг кўнгли тўлмаганди. Масалан, бу юмуш атиги беш вилоятда тўла бажарилди. Андижон (46,9 фоиз), Қашқадарё (66,3 фоиз), Самарқанд (76,4 фоиз) вилоятлари бу ишда қолоқликка йўл қўйишди. Тутзорлар барпо этиш бўйича эса Сирдарё (36,8 фоиз), Жиззах (48,4 фоиз), Тошкент (52,3 фоиз) вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССР (28,4 фоиз) режани бажаришмади. Икки ойликда иштирок этган 34 вазирлик ва идорадан 18 таси топшириқни уддалай олмади. Чунончи Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги режани 87,4 фоизга, Маданият вазирлиги 80,8, Автомобиль йўллари вазирлиги 78,6, Сув хўжалиги давлат комитети 39,5, «Агроцелинсовхозстрой» 79,6 фоизга етказишди, холос. Эндиликда бундай камчиликларга йўл қўйиб бўлмайди. Кўкаламзорлаштириш икки ойлигида барча вазирлик ва идоралар иштирок этиши шарт.

Кейинги йилларда республикамизда боғдорчилик-деҳқончилик ширкатлари ривожланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам аҳолини кўчат билан таъминлаш муҳим масаладир. Бу галги икки ойликда экиш учун биргина Ўзбекистон ССР Давлат ўрмон комитетининг ўзида 26 миллион 250 минг туп кўчат тайёрланди. Булар орасида дуб, сосна ва бошқа дарахт кўчатлари, 785 минг дона ёнғоқ, 960 мингта бодом, 6 миллиондан зиёд терак, 10 миллион 330 минг дона тут кўчатлари бор. Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида эса халқимизнинг томорқа майдонларига экиш учун салкам 11 миллион дона мевали дарахт, 17,5 миллион дона атиргул кўчатлари шайлаб қўйилди. Бошқа кўпгина вазирлик ва идоралларда ҳам кўчат етиштирилмоқда. Хуллас, кўчат етарли. Фақат бу ишга ишбилармонлик билан ёндашиб, уни аҳолига сотиш масаласини тезроқ ҳал қилиш зарур.

Шуни эсдан чиқармайлик-ки, кўчат экиб, боғ яратиш бу вақтинчалик мавсум эмас. Юқори кўрсаткичга эришиш учун ўсимликнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш, агротехникага риоя этиш лозим. Истироҳат боғларига ҳам эътиборни кучайтириш керак. Сир эмаски, кейинги йилларда турли маданий-оммавий аттракционлар ўтказишга берилиб кетиб, кўкаламзорлаштиришни унутиб қўйдик. Истироҳат боғлари, хиёбонлар барпо қилиш, аҳоли пунктлари ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш қатъий лойиҳа асосида амалга оширилса, айни муддао бўларди.

Бизда кўпинча кўчат экиш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари якуни чиқарилганида фақат қанча кўчат экилдию, ким режани уддалагани, ким камчиликка йўл қўйгани ҳақида гап боради, холос. Хўш, ўтказилган кўчатларнинг тақдири кейинчалик нима бўлди? Уларнинг қанчаси кўкарди? Бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Ахир, кўчат эккандан кейин уни парваришлаб, суғориш зарур-ку! Етарли муҳофаза қилинмаганлиги туфайли ҳар йили кўплаб ниҳоллар қуриб қолади. Оқибатда қанчадан-қанча одамларнинг меҳнати, маблағ бекорга сарф бўлади.

Эндиликда бундай ўзибўларчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Бундан буён ўтказилган ҳар бир ниҳол ардоқда бўлсагина ўлкамизни ям-яшил либосга буркаш мумкин.

Бу эзгу ниятларни ифодаловчи, гўзал баҳорни ҳаммамиз интиқиш билан кутаётган шодиёна байрам Наврўзни муносиб қаршилаш ва намунали ўтказишга чорловчи Мурожаатномани эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

● Кўклам нафаси деҳқону чорвадорнинг, боғбону соҳибкорнинг ғайратини яна бир карра жўш урдирмоқда.

● Уз от-уловини, техникасини яхши созлаб, шайлаб қўйган деҳқон экиш-тикиш мавсумида қийналиб қолмайди. Зеро «Иш-қуролинг соз бўлса — машаққатинг оз бўлар».

● Баҳор ўлкамизни яшил либосга буркаш, уни кўкаламзорлаштириш фаслидир. Шу боис юз минглаб сифатли кўчатларни тайёрлаб қўйиш барча тегишли ташкилотларнинг жонажон иши.

● Мўл ҳосил фақат сифатли, яхши тайёрланган уруғликдан олинади. Экиш бошлангунча тайёрланган уруғликни яна бир бор кўздан кечириб, шай ҳолга келтирайлик.

МЕВАЗОР БОҒЛАР КЎПАЙСИН

Бу суратда Наманган мевали кўчатлар етиштириш давлат хўжалиги ишчиси Каримжон МАМАТХОНОВни кўриб турибсиз. У ўз касбининг моҳир устаси. К. Маматхоновнинг тилаги шундай: «Мевазор боғлар кўпайсину, эл дастурхони доимо тўкин бўлаверсин».

К. Маматхонов меҳнат қилаётган жамоа аъзолари бу йил вилоят хўжаликларига 3 миллион туп ток ва 1 миллион туп мевали дарахт кўчати тайёрлаб бериш мажбуриятини олишган. Шу боис айни кунларда ниҳолларни кўкламга тайёрлаш қизғин давом этмоқда. Етиштирилган ток кўчатлари ва мевали дарахтларнинг бир қисми қўшни хўжаликларга сотишга тахт қилиб қўйилди.

П. АКБАРОВ олган сурат.

СССР Олий Кенгаши сессиясида

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР:

19 февраль куни СССР Олий Кенгаши палаталари қўшма мажлисининг қатнашчилари салкам бир соат давомида кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишга ўта олмай турдилар.

Бунга депутат Ю. Кольцовнинг СССР адлия вазири С. Лушчиковга йўллаган сўрови теварагида авж олиб кетган ўткир бахс сабаб бўлди. Унинг қисқача мазмуни шундан иборат. Депутат КПСС раҳбарияти аъзолари Болтиқбўйида миллий (жамоат) нажот комитетлари тузилишига алоқадор эканлиги тўғрисида матбуотда эълон қилинган кўпдан-кўп хабарларга асосланиб, бундай далилларнинг матбуотда келтирилиши хусусида Адлия вазирлигининг фикри қандай эканлиги ва КПСС Уставини расмий рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида уларни ҳисобга олишнинг қонуний ёки қонуний эмаслиги тўғрисида ахборот беришни сўраган. Сўров муаллифининг фикрича, КПССнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги аризасини Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги СССР Қонунининг конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш мақсадини кўзлаган фаолиятни содир этган тақдирда суднинг қарорига биноан ана шу бирлашмани рўйхатдан ўтказиш рад этилиши ёки мавжуд бирлашма тугатилиши мумкинлигини белгиловчи моддалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш зарур.

Газета маълумотларига асосланиб фикр билдирилаётган экан, деди шу муносабат билан раислик қилувчи А. Лукьянов, ушбу сўровни муҳокама этиш учун қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисидаги масалани ҳал этиш лозим. Овоз бериш якунларига кўра 172 нафар депутат муҳокама қилишни ёқлаб, 170 нафар депутат эса унга қарши овоз берди; сўров регламентда белгиланган зарур кўпчилик овозни олмади. Шундан кейин сўзга чиққан депутатлар кўпчилик овоз олиш умуман зарур эмаслигини айтдилар. Регламентда, деб таъкидлашди А. Собчак билан С. Рябченко, депутат сўровлари бўйича овоз бериш зарурати кўзда тутилмаган; сўровлар билан мурожаат қилиш депутатларнинг дахлсиз ва мутлақ ҳуқуқидир. Парламент раҳбари Олий Кенгашда унинг ўзи ифодалагандек вазиятни кескинлаштиришга уринишларни қўллаб-қувватламаслигини айтди.

КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. Ивашко ҳам қизғин баҳсда қатнашди. У КПСС бундай «сиёсий» сўровни четлаб ўтмайди, муаллифлардан ҳар бир банд бўйича аниқ-равшан исботларни талаб этади, деди.

Депутатлар В. Шаповаленко билан С. Ахромеевнинг қисқача бир-бирларига луқма ташлашлари «залда жонланиш»га сабаб бўлди. Маршал сайловчининг РСФСР Олий Кенгашининг Раиси Б. Ельцин шанига ҳақорат ли мазмундаги хатини расмий ҳужжат сифатида тарқатганлик учун танқид қилинди. Ушбу масалани парламент одоби комитетига топширишга қарор қилинди.

Шундан кейин депутатлар яқинда тақдим этилган қўшимчалар ва аниқликларни ҳисобга олиб кун тартибидаги масалалар рўйхатини узил-кесил тасдиқлашга ўтдилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
И. НОВИКОВ,
В. ШИШЛИН.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Қадрли дўстлар!

Ҳар баҳорда шаҳар ва қишлоқлардаги ёшу-қари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказади, ҳовли-жойлар ва кўчаларни кўкаламзорлаштиради, боғлар ва хиёбонлар, токзорлар барпо этади. Қадимдан шундай удум одат тусини олганки, одамлар жонажон табиат гўзаллигини сақлаб қолиб, унинг бойлигини кўпайтиришга, Ўзбекистонимизни гўзал ва саҳий ўлкага айлантиришга интилиб келган ва интилмоқда. Айни халқ донишмандлиги гўдак туғилганда йигирма бир туп терак экиб, бола улғайганда унинг учун уй қуришдек қадимий анъанани қарор топтирди.

Ўрмонлар ва кўкаламзорлар — шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрки ва ҳавони тозаловчи восита бўлибгина қолмай, айни пайтда инсонга самарали таъсир кўрсатувчи, қалб жароҳатларини даволовчи шифокор, иссиқ офтоб тиғидан сақловчи яшил қалқон, мева ва резаворлар хазинаси, инсон, жониворлар ва паррандалар учун яшаш муҳити ҳамдир.

Ҳар йили сахий заминимизга юз миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ва буталар экилади, аммо мунтазам парвариш қилинмаганлиги туфайли уларнинг ярмигина кўкаради. Бундан ташқари, кейинги ўн йил ичида ўрмонзорлар майдони 150 минг гектар қисқарди, тўқайлар деярли тугатилди. Жумҳуриятимиз ҳар бир киши бошига ҳисоблаганда ўрмонзорлар майдони жиҳатидан мамлакатда сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Биз, Пленум қатнашчилари ўзбекистонлик ҳар бир кишига ва жумҳуриятимизнинг бутун аҳолисига: «Биз ўз фарзандларимиз ва набираларимизга гуллаб-яшнаётган ўлкани қолдирамизми ёки ҳувиллаб ётган даштними?» — деган савол билан мурожаат қиламиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз: «Табиатнинг ўрмон бойликларини сақлаш ва тўлдириш учун мен шахсан нима қилишим мумкин? — деган саволни ўзингизга беринг!

Бугунги кунда биз экинзорларни омилкорлик билан парвариш қилмаганлигимиз учун замин саҳоватидан ўзимизни маҳрум этаётганлигимизни рўй-рост тан олишимиз керак.

Бизнинг Фарғона водийсида, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида тўқайзорлар деярли тугатиб юборилганлигига нисбатан лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ.

Юз минг гектарлаб ҳосилдор ерлар заводларнинг чиқиндилари ташланадиган жойларга ва карьерларга, корхоналарнинг заҳарли чиқитлари туфайли ўлик ерларга айланишига тоқат қилишга ҳаққимиз йўқ.

Орол ва Оролбўйининг тақдири тўғрисида гапирадиган бўлсак, у ердаги экологик фожиа ҳар биримизнинг ўз фуқаролик ва ватанпарварлик бурчимизни бажаришга—ўз юртимиз жонажон табиатига сергаклик ва эътибор билан муносабатда бўлишга, уни асраб-авайлашга даъват этади.

Ўрмонзорлар ва боғлар барпо этиш икки ойлиги давомида ўзбекистонлик ҳар бир кишининг қалбига азиз бўлган Замин олдида унга лоқайдлик, исрофгарчилик, кўр-кўрона хўжасизлик билан етказган жароҳатимиз учун ўз айбимиз нимадан иборат эканлигини аниқлаш имкониятига эгамиз.

Бу йилги икки ойлик асрлар қаъридан бизга етиб келган ва қайта тикланган Наврўз байрами ишонланадиган кунларда ўтади. Наврўз яна миллий байрамимизга айланиб, қадимий ахлоқий қадриятларимизни — меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, бир-биримизга ҳурмат, табиатга меҳр-муҳаббатни тарбиялашга ва мустаҳкамлашга ҳўмаклашади. Инсон боғлар ва ўрмонлар билан бурканган гўзал ва яшил сайёрада ўзини хушнуд сезади, одамлар ўртасидаги муносабатлар янада самимийлашади ва уларнинг бир-бирига меҳрибонлиги ортади.

Заминимизда дўстлик ва тинчлик қарор топсин. Агар бир кун сайин Замин тўғрисида ғамхўрлик қилсак, унинг ҳар бир масканини аввайлаб-асрасак — уни янада кўркамлаштирган бўламиз.

Жумҳуриятимизнинг боғлари ва ўрмонлари уни янада гўзал қилибгина қолмай, айни пайтда гармсел ва чанг-тўзонлар йўлида яшил қалқон бўлади, ғоят қимматли бўлган обиҳаётни сақлаб қолади, уй-жойларимизни салқин қилади, паррандалар ва жониворлар масканига айланади.

Келинглар, ҳар бир ҳовли-жойни, ҳар бир маҳаллани ва ҳар бир даҳани боғ-роғларга, токзорларга, одамлар ҳордиқ чиқарадиган жойларга айлантирайлик, ана шу боғ-роғлардан олинадиган ҳосил эса дастурхонимизни янада тўкин қилсин.

Янги боғлар ва токзорлар барпо этар эканмиз, ўрик, шафтоли, ёнғоқ, нок, анор, жийда, тут меваларининг халқ яратган ва унутиб юборилган бетакрор навларининг собиқ шоншуҳратини ёдда тутишимиз керак. Уларни халқ дастурхонига қайтарайлик.

Астойдил меҳнат қилмай боғ барпо этиш ва ундан мева олиш мумкин эмаслигини оқил кишилар яхши биладилар. Боғ гўдак сингари меҳрибонлик ва доимий ғамхўрликни талаб этади. Шунинг учун кўчатзорларни парвариш қилишни меҳнат жамоалари, муайян кишилар ўз зиммасига олиши керак. Турмуш кенг кўламда боғ-роғлар барпо этишни, табиий бойликларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга катта ёшдаги кишиларни ҳам, ўсмирларни ҳам — Ўзбекистоннинг барча аҳолисини жалб қилишни қатъиян тақозо этмоқда.

Ўрмонзорлар ва боғлар барпо этиш икки ойлигининг муҳим вазифаларидан бири — ерларни маданийлаштириш, кўкаламзорлаштириш, жарликлар ва даштлар пайдо бўлишини тўхтатиш, тўқайзорлар ва тоғдаги ўрмонларни тиклашдан иборат.

Биз сахий диёримизда яшаётган ҳар бир кишини кўчат ўтказиш ишларида фаол қатнашишга даъват этамиз.

Биргаликда манфаатдорлик билан қилинган меҳнатгина юз миллион тупдан ортиқ кўчат экиш ва уни сақлаб қолиш имконини беради.

Азиз юртдошлар!

Умумхалқ ҳашари ўлкамизни яшил либосга буркасин! Умумий хонадонимиз бўлган қадрдон Замин янада гўзаллашиб, обод бўлсин, янги-янги боғлар ва токзорлар барқ уриб гулласин, яшил ўрмонлар ва хиёбонларнинг қалбини аллаловчи шабадалари эсаверсин.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

МОЖАРОНИ СИЁСИЙ ЙЎЛ БИЛАН БАРТАРАФ ЭТИШ РЕЖАСИ

СССР Президенти матбуот хизматининг раҳбари В. Н. Игнатенко 18 февраль куни совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган брифингда сўзлаётган вақтда СССРга қисқа амалий ташриф билан келган Ироқ бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз Москвадан учиб кетишга тайёрланаётган эди. Унинг дипломатия юкида М. С. Горбачевнинг Совет — Ироқ музокаралари чоғида илгари сурган Форс кўрфазидаги тангликни сиёсий йўл билан бартараф этиш режаси бор.

В. Н. Игнатенко мулоқотнинг боришини шарҳлаб, М. С. Горбачевнинг Т. Азиз ва Ироқ бош вазирининг ўринбосари С. Ҳаммадий билан Форс кўрфазига дахлдор муаммолар юзасидан фикрлашув сермазмун бўлганлигини айтди. М. С. Горбачев урушнинг минтақада янада ёйилишига йўл қўймаслик учун дарҳол чора кўришни талаб қилувчи реал вазият вужудга келганини, шунингдек Ироқ томонининг 15 февралдаги баёнотини ҳисобга олиб «можарони сиёсий йўл билан бартараф этиш юзасидан аниқ режа»ни илгари сурди. Т. Азизнинг ўз ватанига бу қадар шошилинч равишда қайтиб кетиши, деб таъкидланди брифингда, у Президент Саддам Ҳусайнга ва Ироқ инқилобий қўмондонлиги кенгашига совет раҳбарининг ташаббуси тўғрисида шахсан ахборот бериши зарурлиги билан боғлиқдир, чунки Ироқ билан барқарор алоқа йўқ. СССР Президенти ўзи илгари сурган таклифларга тезда жавоб олишга умид билдирди. СССР Президенти ёрдамчисининг айтишича, «Тариқ Азиз жуда амалий кайфиятда эди» ва М. С. Горбачев таклиф этган ҳаракат режасини «қизиқиш ва тушуниш» билан қабул қилди.

(ТАСС мухбири).

БЕВОСИТА ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА

Термиздаги «Намуна» жамоа хўжалигининг деҳқонлари очиқ ерга эртаги карам экишга киришдилар. Хўжалик иссиқхоналарида бақалажон, помидори ва бошқа полиз экинларининг кўчатлари парвариш қилинмоқда.

Бу ерда сабзавот конвейери амалда йил бўйи ишлайди. Бу мамлакатнинг кўпгина шаҳарларидаги корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро фойдали савдо-сотиқни муваффақиятли олиб бориш имконини бермоқда. Чунончи, ўтган йили Ленинградга, Тюменга, Нефтеюганскка, Белая Церковга қариб минг тонна сабзавот жўнатилди. Айрим жойларга витаминли маҳсулот ҳозир ҳам юборилянти. Бунинг эвазига хўжалик ёғочтахта, газ ўтказиш учун металл қувурлар, полиэтилен пленка олянти. Болаларни ҳам унутишмади — Ленинграддаги корхоналарнинг бўридан жамоа хўжалигидаги болалар боғчалари учун чиройли, замонавий ўйинчоқлар келди.

Бу йил деҳқонлар сабзавот етказиб беришни тўрт баравар кўпайтиришни мўлжаллашмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

«Аралсельхозводопроводстрой» бирлашмаси ўрнатаётган сув чучуклаштиргичлар икки юздан ошиб кетди.

Бундай қурилмалар Қорақалпоғистоннинг қишлоқ жойларида ўрнатиляпти. Улар аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Бирлашма ҳозирнинг ўзидаёқ 650 километр сув қувурлари тармоғини ишга туширди. Шулардан 550 километри посёлкалар ичидаги сув қувурларидир. Бу ерда ер ости сувларидан фойдаланиш дастури ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозир қудуқлардан бир кеча кундузда 45 минг куб метргача тоза сув олиняпти. Бирлашма мутахассислари Қорақалпоғистон ҳудудида ер ости сувларини чиқариб олиш мумкин бўлган яна тўртта жойни аниқладилар. Илгари фойдаланилмаган еттита «сув кони»да сув чиқариш иншоотлари қурила бошланди.

(ЎзТАГ мухбири).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

ТЕРМИЗ, 18 февраль. (ЎзТАГ). Бугун Сурхондарё вилояти партия ва хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари саноатда, қурилишда ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш сифатини яхшилаш юзасидан партия, совет ва хўжалик идораларининг биринчи галдаги ташкилий-сиёсий тадбирларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Х. Э. Бердиев нутқ сўзлади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси

«КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА» ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИДАН, ЧЕТ ЭЛЛИК ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. ҲАМИДОВ *маърузаси*

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Жумҳуриятимиз мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга мувофиқ худудимизда фақат Олий Кенгашимиз томонидан тасдиқланган қонун амал қилиши лозим.

Ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришиш учун, аввало жумҳуриятимизда иқтисодиёт масалалари соҳасида олиб борилаётган сиёсатга мос келадиган, маҳаллий шароитимизни ҳисобга оладиган, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма қатнашчилари учун давлат олдида тенг солиқ мажбуриятининг иқтисодий шарт-шароитларини яратиб бера оладиган, ижтимоий жиҳатдан адолатли қонунларимиз бўлиши шарт. Қолаверса, халқ хўжалигимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишида муҳим роль ўйнайдиган воситалардан бири ҳам солиқлар тўғрисидаги қонунлардир.

Ана шуларни ҳисобга олиб, Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси сизлар кўриб чиқишингиз учун «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССР фуқароларидан, чет эллик фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳасини тақдим қилади.

Бу Қонунлар лойиҳалари Олий Кенгаш барча комитетларининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинган. Муҳокама чоғида халқ депутатлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари, илмий ходимлар, корхоналар ва мутахассислар томонидан жуда кўп қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Жумладан 100 тадан ортиқ таклиф берилди ва асосий таклифлар қабул қилинди. Булардан ташқари, бир қатор йирик бирлашмалар, корхоналар ва меҳнат жамоаларининг таклифлари эътиборга олинди.

Биринчидан, корхоналардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССРнинг Қонун лойиҳасида ҳамма корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар фойдадан, оборотдан, маҳсулот сотишдан, четдан келтириладиган ва четга чиқариладиган моллардан, хом ашё ресурсларидан, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи фондидан ва истеъмол қилиш учун белгиланган маблағларнинг ошган қисмидан олинадиган солиқлар кўзда тутилган.

1. Олий Кенгашимиз томонидан тасдиқланган Декларацияга мувофиқ давлат бюджетида кўзда тутилган ҳамма солиқлар миқдори ва бошқа белгиланган тўловлар жумҳурият даромади деб ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Иттифоқ Олий Кенгашлари бу маблағларни келишув асосида жумҳурият ва Иттифоқ бюджетига тақсимлайди.

Фойдадан 45 фоиз миқдорида солиқ олиниши кўзда тутилган. Таҳлил шуни кўрсатадики, ўтган йили меҳнат ресурслари учун ва фойда белгиланган нормативларга асосан тақсимланадиган шароитда фойдадан тўлов тариқасида бюджетга ундириб олинадиган фойданинг улуши Иттифоқ корхоналари бўйича ўрта ҳисобда (53,8 фоиз) ва жумҳуриятимизга бўйсунадиган корхоналар бўйича (49,5 фоиз) кўпайиб кетди. Шунн ҳам ҳисобга олиш лозимки, корхоналар ўз вазирликлари ва идоралари фондларига ўртача фойдадан 10—15 фоиз ажратишган. Натижада корхоналар жуда қийин аҳволга тушиб қолишган.

Лойиҳамизда кўзда тутилган 45 фоиз миқдордаги солиқ белгиланса, корхоналар ўтган йилга нисбатан кўпроқ наф кўрадилар.

Кўриб чиқилаётган лойиҳанинг Иттифоқ қонунидан фарқи шундаки, унда корхоналарнинг фаолият турлари, жумҳуриятимиз иқтисодини аҳолининг молларга ва хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун ижтимоий шароит яратиб бериш зарурлиги ҳисобга олиниб, табақалаштирилган солиқ миқдори кўзда тутилган. Масалан, бинокорлик материаллари ва қурилиш саноати корхоналарини ривожлантириш учун халқимизга жуда зарур бўлган бинокорлик материаллари республикамизда етишмаслигини ҳисобга олиб, бу соҳада солиқ миқдорлари белгилаш кўзда тутилган ва 45 фоиз ўрнига 35 фоиз солиқ олиш мўлжалланган.

Совхоз ва колхозлар, қишлоқ хўжалик ижара корхоналари, шунингдек қурилиш ташкилотлари учун (агар улар бажараётган қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмидан 50 фоизи ва ундан кўпроғи совхоз, колхоз буюртмасига мувофиқ бажарилса ва уларга жумҳурият бюджетидан маблағ ажратилса) рентабеллиги 5 фоиздан паст бўлса ёки 5 фоиздан 30 фоизгача бўлса, солиқ 10 фоиз миқдорида ва рентабеллик даражаси 30 фоиздан ошса, ана шу ошган қисмига 50 фоиз фойдадан солиқ олиш кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасида чет эл капиталини жалб қилиш, чет эллик корчалонлар фаолиятига ҳуқуқий жиҳатдан кафолат бериш ва солиқ бўйича имтиёзлар бериш йўли билан рағбатлантириш муаммоларига эътибор қаратилган. Улар учун устав фондига чет эллик шерикнинг қўшган сармояси улуши ва фаолияти турига қараб 15 фоиздан 45 фоизгача солиқ ставкаси белгиланган.

Ишлаб чиқариш кооперативларига ва кичик корхоналарга уларнинг фаолияти турларига қараб табақалаштирилган фойдадан олинадиган солиқ ставкалари белгиланган.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш фан, маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, давлат телевидение ва радиоэшиттириш системасининг хўжалик ташкилотларига (касаба уюшмаларининг санаторий ва профилакторийларига ҳам) ва диний ташкилотларга солиқ миқдорлари белгиланган. Яъни 25 фоиз бўлиши кўзда тутилган.

Тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ишларидан фойда оладиган корхоналар ва пудратчилар, даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқарувчи ва ногиронларга протез хизмати кўрсатувчи корхоналар солиқ тўлашдан тўлиқ озод қилинган.

Солиқ тўлаш бўйича енгиллик бир қатор жамоат ташкилотларига ҳам белгиланган.

Қонун лойиҳасининг Иттифоқ қонунидан фарқи фойдадан олинадиган солиқ соҳасида бериладиган имтиёзлар бўлимида ҳам яққол кўриниб турибди.

Масалан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришдан олинган ортиқча фойда бўйича солиқ тўланадиган фойда 20 фоизга, паст баҳода ишлаб чиқарилган ва сотилган моллардан олинган фойда эса 100 фоизга камайтирилади.

Алоқа хизматининг янги турини жорий қилишдан олинадиган фойда, муҳим илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун, ёрдам беришга ажратилган фойда, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ва болалар учун ишлаб чиқарилган буюмлар, илмий-техника ва ўқув материаллари, кам сонли халқлар тилидаги адабиётлар ва ақлан заиф шахслар учун адабий асарлар нашр этишдан олинган фойдадан олинадиган солиқ 50 фоиз камаяди.

Булардан ташқари Иттифоқ қонунида кўзда тутилган бошқа ҳамма енгилликлар ҳам лойиҳада сақлаб қолинган.

ОБОРОТ СОЛИҒИ

Бундай солиқ шу вақтгача жумҳурият ва маҳаллий бюджетнинг асосий даромад манбаи бўлиб, оборотдан олинадиган солиқ ҳисобланар эди.

Бу даромад манбаи Иттифоқ бюджетининг марказлаштирилган даромади ҳисобланиб, белгиланган нормада Иттифоқ, жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимланар эди. Ўзбекистон ССР Қонун лойиҳасида оборот солиғини бутунлай жумҳурият бюджетига ўтказиш кўзда тутилмоқда.

ЧЕТГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ХОМ АШЁ РЕСУРСЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Ҳаммангизга маълумки, шу вақтгача биз хом ашёни, шу жумладан пахта толасини ҳам асосан бошқа жумҳуриятларга сотар эдик. Лекин бу хом ашёдан тайёрланган маҳсулотларни оборот солиғи қўшилган ҳолда сотиб олар эдик. Оборот солиғи эса, маҳсулот ишлаб чиқарилган жойда қолиб кетарди.

Ана шуни ҳисобга олиб, ушбу солиқ жорий этилмоқда. Бу солиқ миқдори қатъий белгиланган ва шартнома баҳоси ўртасидаги фарқ натижасида пайдо бўлиб, жумҳурият бюджетига ўтказилади.

ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СОЛИҒИ

Бу солиқ чет элдан сотиб олинган ёки чет элга сотилган, чет эл валюта баҳоси билан ўзимизнинг сўм баҳоси ўртасидаги фарқдан иборат. Бу жумҳуриятимиз учун янги солиқ туридир.

СОТИШДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

Қонун лойиҳамизда кўзда тутилган бу солиқнинг тўловчилари, хўжалик юритиш формаси ва мулкчилиги шаклидан қатъи назар, хизмат кўрсатадиган ва маҳсулот ишлаб чиқариб сотадиган ҳамма корхона ва ташкилотлар ҳисобланади. Бу солиқнинг аниқ миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланади.

КОЛХОЗЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲАҚИ ТЎЛОВ ФОНДИДАН СОЛИҚ

Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи фондидан олинадиган солиқ колхозлар томонидан тўланади. Солиқ учун ҳар ойига, ҳар бир колхозчига ўртача 150 сўмдан ошиқча бўлган меҳнат ҳақи фонди қисмидан олинади. Колхозчиларимизнинг аҳволи ҳисобга олинган ҳолда Иттифоқ қонунига нисбатан бундай сумманинг миқдорини 50 сўмга ошириш мўлжалланган ва бунинг натижасида колхозчиларнинг даромади 50 миллион сўм кўпаяди.

Ҳурматли депутатлар!

Сизларнинг қўлингизда фуқаролардан олинадиган солиқ тўғрисида Қонун лойиҳаси бор. Шунинг учун лойиҳанинг ҳамма моддаларига тўхтаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Фақат лойиҳанинг асосий хусусиятларига ва Иттифоқ қонунидан фарқларига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар. Лойиҳанинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, у аввалambор жумҳуриятимизда олиб борилаётган иқтисодий, сиёсат принциплари асосида тузилган, унда кам даромад оладиган фуқароларни солиқ тўлашдан бутунлай озод қилиш ёки уларга маълум имтиёзлар бериш ва ҳамма фуқаролар учун давлат олдида бир хил солиқ мажбурияти кўзда тутилган. Яъни ҳамма учун тенг иқтисодий шарт-шароитларни яратиш орқали хўжалик юритиш ва мулкчиликнинг ҳамма шаклларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш кўзда тутилган. Булардан ташқари маҳаллий шарт-шароитларимизни ҳисобга олиб ва ўтказиладиган солиқ ислоҳотининг асосий принципларига амал қилиб солиқ солиш объекти сифатида йиллик даромад белгиланган.

Қонунимиздаги энг асосий масала солиқ солинмайдиган даромад миқдори ва умуман даромад солиғи миқдорлари ҳақида. Иттифоқ қонуни бўйича ойига 100 сўмгача иш ҳақи ёки бошқа даромад оладиган фуқаролар солиқ тўламайдилар. Олий Кенгаш комитетларидаги мажлисларда муҳокамалар чоғида ҳам айнан шу масала қизғин баҳсга сабаб бўлди.

Ҳаммангизга маълумки, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси бўйича жумҳуриятимиз иттифоқимизда энг паст кўрсаткичга эга. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳамма ишчи, хизматчилар ва бошқа табақаларнинг 85 фоизи ойига 300 сўмгача даромад оладилар. Уларнинг ярмидан кўпининг даромади эса 200 сўмга ҳам етмайди. Муҳокамалар чоғида солиқ солинмайдиган даромад миқдорини 120 ва 150 сўмгача кўтариш масаласи қўйилган эди. Бу масала президентимиз ҳузурида ҳар томонлама чуқур кўриб чиқилиб ҳал қилинди ва кам даромадли оилаларнинг моддий шароитини яхшилаш мақсадида солиқ солинмайдиган иш ҳақи ёки даромад миқдорини ойига 150 сўм, ёки йилига 1800 сўмгача кўтаришга қарор қилинди. Бу жумҳуриятимиз ишчилари ва хизматчиларининг қариб уч миллиони солиқ тўлашдан озод бўлади деган маънони билдиради. Бундан ташқари 150 сўмдан 200 сўмгача иш ҳақи оладиган 1,0 миллионга яқин ишчи ва хизматчилар эса камайтирилган миқдорларда солиқ тўлайдилар.

Сизларда нима учун 300 сўмдан 700 сўмгача бўлган даромадларга Иттифоқ қонунига нисбатан кўпроқ фоиз солиқ солинади, деган савол туғилиши мумкин. Бу ерда шуни айтиб ўтиш лозимки, 700 сўмгача даромад оладиган фуқаролардан олинадиган солиқ фоизи кўп бўлгани билан унинг сўмдаги миқдори Иттифоқ қонуни миқдоридан кўп эмас. Масалан, Иттифоқ қонуни асосида 300 сўм даромаддан 34 сўм 20 тийин солиқ солинса, жумҳурият лойиҳасида солиқ миқдори 28 сўмга тенг, 600 сўм даромаддан эса Иттифоқ қонунида солиқнинг миқдори 73 сўм 20 тийин бўлса, бизнинг лойиҳамизда эса солиқнинг миқдори 71 сўм.

Ҳурматли депутатлар! Лойиҳа муҳокамаси чоғида ижодий ходимларимиздан, айниқса ёзувчи ва шоирларимиздан улар учун солиқ миқдорини камайтириш тўғрисида кўп таклифлар тушди. Миллий маданиятимизни, санъатимизни ва фанимизни яна ҳам ривожлантириш мақсадида улар учун нисбатан камроқ миқдорда солиқ солиш кўзда тутилмоқда.

Қонунга мувофиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган ногиронлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ички ишлар органлари сафидан бўлган ногиронлар, болаликдан ногиронлар, шунингдек кўриш қобилияти бўйича I ва II гуруҳ ногиронлари, Қаҳрамон оналар солиқ тўлашдан тўлиқ озод бўладилар. Қарамоғида 3 та ва ундан кўп оила аъзолари бўлган шахслар учун I ва II гуруҳ меҳнат ногиронлари, умумий касаллик бўйича I ва II гуруҳ ногиронлари, 16 ёшгача иккита боласи бўлган ёлғиз оналар ва бевалар, болаликдан ногирон бўлиб қолган ва доимий парваришни талаб қиладиган оила аъзосини тарбияловчи ота-оналар учун 30 фоиздан 50 фоизгача имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Булардан ташқари қонунимизда яна қуйидаги имтиёзлар берилиши кўзда тутиляпти.

СССР Қонунига мувофиқ давлат пенсиялари ва ихтиёрий суғурта шартларига биноан тўланадиган пенсияга қўшимчаларгина солиққа тортилмайди. Меҳнат жамоаларининг қарорлари бўйича тўланадиган пенсияга қўшимчалар, халқаро ва диний ташкилотлар берадиган пенсиялар эса умумий асосда солиққа тортилиши Иттифоқ қонунида кўзда тутилган.

Шу муносабат билан жумҳуриятимиз Қонуни лойиҳасида ҳар қандай пенсия ва унга қўшимчалар солиқдан озод қилиниши кўрсатилган.

СССР Қонунига мувофиқ ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва рафиқалари, шунингдек Афғонистонда хизмат бурчини ўтаб келган жангчилар солиқ тўлашдан 50 фоиз миқдорида озод қилинган. Бизнинг лойиҳамиз бўйича уларга 100 фоиз имтиёз бериш кўзда тутилган.

Булардан ташқари студент қурилиш отрядлари аъзолари ва корхоналар ҳамда ўқув юртлари томонидан қишлоқ хўжалик ишларига юборилган фуқароларни ҳам ушбу ишларни бажаришдан оладиган даромадларидан тўлайдиган солиқдан озод қилиш кўзда тутилган.

СССР Қонунига мувофиқ қарамоғида 3 та ва ундан кўп шахслар бўлган фуқаролардан олинадиган солиқ фақат асосий иш жойи бўйича 30 фоизга камайтирилади. Лойиҳамиз бўйича эса бундай фуқароларга ҳамма даромадлари бўйича имтиёз бериш кўзда тутилган.

Иттифоқ Қонунида белгиланган имтиёзларнинг асосий қисми лойиҳада ҳам сақлаб қолинган. Умуман давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича бериладиган нафақалар, турли меҳр-шафқат ва экологик фондлардан фуқароларга бериладиган нафақалар ва ёрдамнинг бошқа турлари, алиментлар, стипендиялар, 200 сўмгача бўлган совға буюмлар ва мукофотлар, корхоналар томонидан йилига 500 сўмгача миқдорда бериладиган моддий ёрдам пули, миқдоридан қатъи назар табиий офат ва бошқа фавқулодда ҳолатлар сабабли бериладиган моддий ёрдам пулларидан ҳам даромад солиғи олинмайди.

Қонунда ҳаётимизда рўй берадиган ҳамма нарсаларни кўрсатиб ўтишнинг иложи йўқ. Ана шуни ҳисобга олиб, Қонунимизда кўрсатилмаган ҳолларда баъзи бир фуқароларни солиқ тўлашдан озод қилиш ёки солиқ миқдорини камайтириш ҳуқуқи маҳаллий Советларга берилган.

Ўйлаймизки, Иттифоқ қонунига нисбатан бизнинг лойиҳамиз универсал даромад солиғи яратиш йўлида яна бир қадам олга ташлаяпти.

Бу қуйидагиларда ўз ифодасини топган.

Биринчидан, СССР Қонунида давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларининг ишчи-хизматчиларини ва солиқ солиш бўйича уларга тенглаштирилган шахсларни солиққа тортишда устунлик кўзда тутилган. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи бошқа фуқароларнинг даромадларига эса энг юқори миқдорда солиқ солиш кўзда тутилган. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар ва уларда меҳнат қиладиган шахслар ҳақида эса алоҳида кўрсатилмаган ва уларга энг юқори миқдорда солиқ солиниши кўзда тутилган. Бундай тартиб эса уларнинг фаолиятини ўз-ўзидан бўғиб қўйиши турган гап.

Бизнинг лойиҳамизда ҳамма фуқароларни бир хил миқдорда солиққа тортиш кўзда тутилган. Бу эса жумҳуриятимиз олиб бораётган сиёсатга мосдир.

Лойиҳанинг Иттифоқ Қонунидан асосий фарқларидан яна бири шундан иборатки, Иттифоқ Қонуни бўйича ишчи-хизматчилар учун солиқ объекти бўлиб ойлик даромад хизмат қилади. Лойиҳамиз бўйича эса солиқ солиш объекти йиллик даромаддир.

Пахтачилик ва бошқа совхозларнинг ходимлари йил давомида асосан оз миқдорда иш ҳақи оладилар, пахта йиғим-терими даврида эса уларнинг иш ҳақлари кескин кўпайиб кетади. Бу албатта бажарилган ишга қараб бўлади. Пахтачилик совхози механизаторларининг сентябрь-ноябрь ойларидаги маошлари 1000 сўмдан 3000 сўмгача, баъзан эса ундан ҳам кўпни ташкил қилади. СССР қонунига мувофиқ улардан прогрессив солиқ олиниши лозим. 1500 сўмдан 296 сўм 20 тийин, 2000 сўмдан 546 сўм 20 тийин, 2500 сўмдан 796 сўм 20 тийин, 3000 сўмдан 1046 сўм 20 тийин ва ҳоказо миқдорида солиқ олиниши лозим.

Жойлардан келаётган хабарларга қараганда, корхоналарда хом ашё — материаллар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги сабабли баъзи ойларда план бажарилмасдан кам маош тўланяпти, бошқа ойларда эса дам олишсиз, ишдан ташқари вақтларда ҳам меҳнат қилишиб, бу ойларда иш ҳақи кўпайиб кетади, 700 сўмдан ошганда уларга прогрессив шкала бўйича солиқ солиниши керак.

Булардан ташқари кўпгина корхоналар ва ташкилотлар бухгалтерлари, ишчи ва хизматчилари квартал мукофотларидан солиқ олиш масаласи бўйича мурожаат қилдилар. Ҳақиқатан ҳам квартал мукофоти 3 ой ишлаганлик учун, 13—14 иш ҳақи эса бутун йил давомида ишлаганлик учун берилади. Даромад солиғи эса бу мукофотлар берилган ойдаги иш ҳақи билан қўшиб ҳисобланади. Натижада сунъий равишда баъзи ойларда солиқ миқдори кўпайиб кетмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мисолларни ҳисобга олган ҳолда йиллик даромаддан солиқ олишга ўтиш таклиф қилинаяпти. Бу солиқ системаси ислоҳотини ўтказиш бўйича вазифаларимизга ҳам мос келади.

Энди солиқ солиш механизми тўғрисида.

Молия вазирлиги томонидан ушбу Қонун билан белгиланадиган ставкага мос келадиган, ҳар ойда бериладиган маошдан солиқ ушлаб қолиш учун махсус жадвал тузиб чиқилган.

Йил тамом бўлиши билан солиқ суммаси йил давомида олинган ҳақиқий даромаддан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади ва тегишли қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Бундай тартиб ҳисоб-китоб ходимларини отпуска суммаларидан, касаллик варақаси бўйича тўланадиган суммалардан солиқ ҳисоблаш каби мураккаб жараёнлардан ҳам озод қилади.

Бизнинг лойиҳамизда корхоналар ва ташкилотлар асосий иш жойларидан ташқари ўриндошлик йўли билан ишлаганлик учун тўланадига ҳамма суммалар ҳақида даромад олувчининг асосий иш жойига хабар қилишга мажбурдирлар. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ маълум бўлдики, кўпгина фуқаролар ўзларининг асосий иш жойлари ҳақида тўғри маълумот бермаяптилар. Бу эса ҳисоб-китоб учун қийинчилик туғдиряпти. Бунинг учун лойиҳанинг махсус бандида шу нарса кўрсатиб қўйилдики, ўриндошлик йўли бўйича ишга кириш вақтида фуқаролар ўзларининг асосий иш жойлари ҳақида справка тақдим қилишга мажбурдирлар.

Қонун лойиҳамизда солиқ идоралари, корхоналари, ташкилотлар ва фуқароларнинг бурчлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари тўғрисида батафсил кўрсатилган.

Маърузамнинг сўнггида яна шуни қайд қилмоқчиманки, бу лойиҳамиз солиқ ислоҳотининг биринчи даври учун мўлжалланган. Қонуннинг кучга киритилиши ҳақидаги Олий Кенгаш қарорида Вазирлар Маҳкамасига 1993 йилнинг I январигача ислоҳотнинг иккинчи даври учун мос келадиган солиқ олиш тартибини ишлаб чиқиш топширилган. Ўйлайманки, ана шу вақтгача ҳамма учун бир хил бўлган, фақат фуқаронинг ҳақиқий даромадларидангина солиқ олинадиган универсал Қонун лойиҳасини ишлаб чиқа оламиз ва бунда ҳозир қабул қилаётган Қонунимиз асосий роль ўйнайди.

Ҳурматли депутат ўртоқлар! Сизларнинг муҳокамангизга қўйилган ушбу иккита Қонунимиз лойиҳасининг хусусиятлари ана шулардан иборат. Ушбу Қонунларни сизларга тақдим қилиш билан биз муҳтарам депутатлардан уларни ҳар тарафлама кўриб чиқиб тасдиқлашларингизга ишонч билдирамиз.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ ИККИНЧИ МУҲОКАМАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув комитети раиси ўринбосари Э. Н. ХЎЖАЕВнинг *маърузаси*

Ҳурматли Президент!

Ҳурматли Ранс!

Ҳурматли Ўзбекистон халқ депутатлари!

Ўртоқлар!

«Ҳозирги кунда жумҳуриятлар мустақиллиги учун кураш энг асосий масала бўлиб турибди. Бу, албатта, тўғри, чунки мустақиллик иқтисодий ўсиш ва тараққиёт заминидир. Аммо ўртоқлар, шу нарсани ёдда тутиш керакки, бу масаланинг фақат бир томони, унинг иккинчи палласида товар ишлаб чиқарувчининг эркинлиги ҳам ётади. Жумҳурият мустақилликни қўлга киритиб, ўзининг фуқароларини ижтимоий ва иқтисодий эркинлик билан таъминламас экан, унда бу мустақиллик унга салбий самара беради, холос. Чунки ҳар қандай тараққиёт заминида эркин инсон ётади.

Ҳар қандай шахснинг эркинлиги асосида эса унинг мулкдорлиги ётади. Агар шахс бир мулкни, ҳеч бўлмаганда, ўзининг меҳнат қилиш қобилиятини, яъни илмий тил билан айтганда, иш кучини тасарруф этиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмас экан, унда ўзини ўзи ҳеч қачон эркин ҳис эта олмайди, у аста-секин ноаниқлик, мунофиқлик ва бебошлик йўлига киради.

Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримов «Известия» рўзномасининг махсус мухбири билан суҳбати вақтида таъкидлаганидек, «Умуман фақат хусусий мулк эгасигина ёки шундай мулкка эга бўлиш учун барча имконияти бор одамгина меҳнатни сева олади. Ҳеч нима — на хусусий уй, на ўзига муносиб даромад керак бўлмаган одам эса ижтимоий жиҳатдан ҳийла хавфли бўлади» («Совет Ўзбекистони» газетаси, 1991 йил 30 январь).

Инсоннинг хўжалик фаолияти эркинлигининг ҳуқуқий асосини таъминловчи қонунлардан бири бу муҳокама этилаётган «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонундир.

Ҳурматли депутат ўртоқлар, мазкур Қонун учинчи сессиямизда биринчи ўқишда асос сифатида қабул қилинган эди. Ишчи гуруҳи уч ой давомида Қонун лойиҳасини такомил шаклига келтириш учун тинимсиз изланиш олиб борди. Узоқ давом этган умумхалқ муҳокамаси тадбиркорликнинг бизларга қоронғу бўлган жуда кўп томонларини ёритиб берди. Умумхалқ муҳокамаси бизларга бу Қонунни Ўзбекистон шароитида ҳаракат қилишининг ўзига хос томонларини очишда катта ёрдам берди. «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг ҳозирги сизларга тарқатиб берилган лойиҳаси унинг учинчи сессияда муҳокама этилган нусхасидан асосий фарқи шундан иборатки, охирги лойиҳада биз тадбиркорликнинг ташкилий фаолиятига тегишли бўлган барча моддаларни корхона тўғрисидаги Қонунга киритдик, чунки корхона ўз мақсади юзасидан тадбиркорлик фаолияти амалга ошириладиган соҳа бўлиб ҳисобланади.

Биз мазкур лойиҳада тадбиркорлик фаолиятига, унинг ижтимоий соҳадаги йўналиш ва ҳаракатига, давлат билан тадбиркор ўртасидаги муносабатларига асосан эътибор бердик. Тадбиркорлик фаолиятини олиб боришнинг ҳуқуқий нормалари, иқтисодий омиллари ва конкрет шаклларига оид моддалар эса корхона тўғрисидаги Қонунда ўз аксини топди. Биз бу хулосага жуда чуқур изланишлар, баҳслар ва кенг муҳокамалар натижасида келдик. Бу ўринда шу нарсани ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим мутахассислар бизга бу икки Қонунни бирлаштиришни тавсия этдилар.

Улар Россия парламенти қабул қилган корхона ва тадбиркорлик тўғрисидаги ягона Қонунга ишора этишди. Лекин чуқур мулоҳазалар натижасида биз Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий шароитини ҳисобга олиш зарурлиги хулосасига келдик. Бундай хулосага келишимизнинг асосий сабаби биринчидан, тадбиркорлик — бу фаолият, корхона эса — унинг ташкилий формасидир.

Иккинчидан, корхоналарнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги даврда тадбиркорлик билан шуғулланишга тайёр эмас.

Учинчидан, тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳловчи, лекин ҳадиксировчи кишиларга тадбиркорлик ҳақидаги алоҳида Қонун руҳий далда бўлади.

Ҳақиқатан ҳозиргача халқимизда қатағон ва турғунлик йилларида шаклланган қўрқув ва ҳадиксираш руҳи ҳали ҳам ўзини билдирмоқда. Муҳокама вақтида олинган жуда кўп мактубларда мана шу масала кўтарилган.

Тадбиркорликка кенг йўл очиб бериб жуда савобли иш қиляпсизлар, лекин бизни ҳам Иброҳимжон Давидовнинг тақдири кутмаяптимикан, деган савол билан жуда кўплар бизга мурожаат қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам «Народное слово» рўзномасининг 1991 йил 31 январда босилиб чиққан «Мустасно тарзида отиб ташлансин» деган мақола ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу мақолада марғилонлик Иброҳимжон Давидов тадбиркорлиги учун жавобгарликка тортилиб, олий жазога ҳукм этилганлиги жуда ачинарли ёзилган. Тадбиркорларга бўлган бундай муносабат, албатта, жуда кўп ташаббускор, уддабурон кишиларга янги хўжалик шароитига ўтишда руҳий таъсир ва тўсқинлик қилади.

Муҳокамада қатнашганларнинг жуда кўп таклифларида Қонуннинг давлат томонидан бериладиган кафолатини янада аниқроқ қилиш ва тадбиркорларнинг ҳаракатига сунъий тўсқинлик қилмасликка эришиш Қонуннинг асосий вазифаси бўлиши кераклигини таъкидладилар. Биз Қонунни такомиллаштириш натижасида бу мақсадга тўла эришдик, десак бўлади.

Қонун лойиҳасини такомиллаштиришда Олий Кенгашимиз комитетлари, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Т. Тўлаганова (3-Назарбек сайлов округи), А. Исаев (201-Томди сайлов округи), Турғунпўлат Ҳошимов (256-Свердлов сайлов округи) томонидан, бир гуруҳ иқтисодчи олимлар — Э. А. Акромов, Ф. К. Қаюмов, М. Ш. Шарифхўжаев, О. Ҳ. Ҳикматов, А. А. Абдуғаниев, М. Т. Турсунхўжаев, Г. К. Саидова ва С. С. Ғуломов раҳбарлигидаги Тошкент халқ хўжалик институтининг қатор мутахассислари томонидан билдирилган фикрлар Қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди.

Тошкентликлар — А. Гончарова, Т. Эшонбоева, А. Королева, Г. Шукурова, наманганликлар — У. Бекмирзаева, А. Раззоқова, О. Ҳамидова, фарғоналиклар А. Абдураззоқов, М. Ҳалилов, қашқадарёлик Т. Ашуров, самарқандлик В. Карраманов, марғилонлик Р. Маҳмудов ўртоқларнинг аниқ фикрлари Қонун лойиҳасини қайта ишлашда ҳисобга олинди.

Айниқса, 13 февралда «Совет Ўзбекистони» рўзномасида босилиб чиққан С. Бойдадаевнинг «Эркин кафолат» номли ҳамда Андижон вилоятидан У. Тўйчиевнинг «Самарадорлик мезони» мақолаларида қимматли фикрлар билдирилди, яъни «бозор муносабатларини шакллантиришда давлат ва жамоа фуқаролар орасидаги ишбилармонликка қобилияти борларни ўз ҳисобига чет мамлакатларда ўқитиши» ҳамда тадбиркор кишиларнинг фаолиятини, пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган тадбиркорликни ривожлантиришни тавсия қилганлар.

Бу фикр ва таклифларни муҳокама қилиб кўриш лозим.

Тўғри, пахта давлат монополияси билан боғлиқ. Лекин бундай тадбиркорликни нужудга келтириш эски анъаналарни тиклаш, уни кўпайтириш, энг асосийси деҳқоннинг ижтимоий аҳволи яхшиланишига олиб келади.

(Давоми учинчи бетда).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ ИККИНЧИ МУҲОКАМАСИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Биз бу муаллифларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ўзбекистон ССР халқ депутати Турғунпўлат Ҳошимов ўзи бошқараётган жамоат коллективи олиб бораётган тадбиркорлик соҳасидаги ишлари диққатга сазовордир. Бу ишлар республикамиз жамоатчилиги томонидан мақсадга мувофиқ тарзда ўрганилса катта самара бериши мумкин. Бу ҳақда у кишининг ўзлари гапириб берса айни муддао бўлур эди.

Ҳозир сизларга тарқатиб берилган сўнгги Қонун лойиҳаси ўн моддадан иборат ихчам бир шаклга киритилган. Қонуннинг 1-моддаси «Тадбиркорлик фаолиятининг ва мулкдор билан бўлган муносабатларининг характеридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, хўжаликни тўлиқ юритиш ҳуқуқи асосида (ана шу ҳуқуқ чегаралари мулк эгаси томонидан белгиланган ҳолда) мулкдорнинг мол-мулкини идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин» деган жумла билан тўлдирилди. Шу моддага тадбиркор фаолиятини белгиловчи яна иккита жумла киритилди. Улар қуйидагилардан иборат:

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва бошқа фуқароларнинг меҳнатини ёллаш йўли билан фойдаланишига асосланиши мумкин.

Тадбиркорнинг ихтиёридаги мулк қонуний асосда бир шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга ўтган ёки улар томонидан сотиб олинган ҳолларда вужудга келади.

Қонуннинг 2-моддаси ушбу жумла билан тўлдирилди:

ташқи иқтисодий фаолият эса махсус қонунлар билан тартибга солинади.

Асосий фаолияти тадбиркорликдан иборат бўлмаган давлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, жамоат ва диний ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг тадбиркорликдан иборат бўлган қисмигагина татбиқ қилинади.

Қонуннинг 7-моддаси «Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслашишга ҳақли, амалдаги қонунларга мувофиқ ҳеч сўзсиз бериладиган жазо чоралари бундан мустаснодир» деган ҳолат билан тўлдирилди.

Қонуннинг 9-моддасига «Тадбиркор турли даражада мулкий жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этишга ҳақлидир ва мулкий даъволар тадбиркорнинг меросхўрига ҳам таллуқли бўлади. Лекин бу тааллуқлилик улар мерос қилиб олинаётган мол-мулкдан ортиқ бўлмаслиги керак» деган қоида асосида тўлдириш киритилди.

Булардан ташқари Қонуннинг жуда кўп моддаларига жузъий ўзгартишлар киритилди. Биз Қонунни иложи борича ихчам шаклга келтиришга ва кенг оммага тушунарли бўлишига ҳаракат қилдик.

Дарҳақиқат, юқорида зикр этилган Қонун нормаларини амалиётга татбиқ этиш осонликча бўлмайди. Бу маънода «Правда Востока» рўзномасида 1990 йил 24 декабрь сонида Леонид Хваннинг «Қонундаги «оқ тамғалар» номли мақоласида кўтарилган асосий фикрга, яъни фақатгина қонунлар мажмуасигина биргаликда ҳаракат қила олади, деган фикрга биз ҳам қўшиламиз. Чунки ҳақиқатан ҳам бутун хўжалик системасини тубдан ўзгартириш учун битта ёки иккита қонун қабул қилишлик билан бунга эришиш асло мумкин эмас.

Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, дейдилар. Ҳозирги пайтда бозор иқтисодиётига ўтиш учун бир гуруҳ қонунлар мажмуаси зарур. Шунинг учун барча мавжуд комитетлар биргаликда шу қонунларни тайёрлаб навбатдаги сессиямизни фақат шу масалага бағишласак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонун қабул қилинганидан кейин яна шу нарса муҳимки, уни амалга ошириш тартиби вазирликлар томонидан қисқа муддатда ишлаб чиқилиши керак.

Жуда кўп мактубларда кишилар «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг тезроқ қабул қилинишига тарафдор эканликларини билдириб, Қонунни амалга оширишнинг иқтисодий механизми қандай яратилади, деган жуда ўринли савол бермоқдалар. Ҳақиқатан ҳам Қонунни қабул қилиш бир масала, лекин уни ҳаётга татбиқ этиш янада мушкул масала. Ўтган сессияда қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Қонун ҳали ҳам тааллуқли бўлган идоралар томонидан конкрет кўрсатмалари тайёр бўлмаганлиги учун унинг ҳаракати чегараланиб қолган.

Агар биз бундай масъулиятсизликка чек қўймас эканмиз, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунни ҳам шу тақдир кутади. Биз Қонун қанчалик тез амалга оширилса, жумҳуриятимизда шунчалик тез иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт учун мустаҳкам замин яратилади.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши эркин иқтисодий фаолият учун кенг йўл очади, савдо пештахталарининг мўл-кўл маҳсулотлар билан тўлдирилишига, албатта, олиб келади. Бу эса, айниқса, жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида ҳам тез ўзгаришларни содир қилади. Янги мулкдорлар гуруҳлари пайдо бўлади. Бу янги ижтимоий-иқтисодий табақа демократия учун минбарларда туриб эмас, балки амалда курашади. Ҳозирги демократия гилдираги лойдан ясалган аравани эслатади, чунки бу демократия заминида шу демократияни чинакам эъзозлайдиган ижтимоий гуруҳнинг ўзи йўқ. Янги вужудга келадиган тадбиркорлар гуруҳи учун эса демократия сув ва ҳаводек зарурдир.

Ўртоқлар! Шу фурсатдан фойдаланиб, мен ушбу Қонун устида мунтазам изланиш олиб борган ишчи гуруҳига, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институти бўлим мудири Р. К. Каримов, шу институт илмий ходимлари М. М. Перпер, В. И. Кобцевга, маҳаллий саноат министри В. А. Чжен, шу министрлик ходими Т. С. Ларичевага, Ўзбекистон ССР ширкатчилик уюшмаси раиси М. Жўраевга, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг бош маслаҳатчиси доцент О. Эрназаровга, ТошДУ қошидаги малака ошириш институти сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти А. Е. Ханга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ўзларининг қимматли фикрлари билан қатнашган барча ўртоқларга чин қалбимдан раҳмат айтмоқчиман.

«ЎЗБЕКИСТОН ССРда ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси Э. Ҳ. ХАЛИЛОВнинг маърузаси

Ҳурматли халқ депутатлари!

Сизнинг муҳокамангизга тақдим этилган «Ўзбекистон ССРда Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонун лойиҳаси 1990 йил октябрь ойида қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги СССР Қонунини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида республикамизнинг хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинди.

Ушбу Қонун одамларнинг ижтимоий фаоллигини ўстиришга, уларнинг ўз манфаатларини янада тўлароқ ифода этишларига ҳамда ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак. Республика тарихида биринчи марта фуқароларга жамоат ташкилотларини тузиш эркинлиги берилди. Орадан етмиш йил ўтгач, мамлакатимиз яна бузилмас демократик нормаларидан бири — жамиятда турли сиёсий партиялар ва ҳаракатлар эркин амал қилишига қайтмоқда. Бу билан биз кўп партиявийлик даврини расман бошламоқдамиз.

Қонун лойиҳасининг биринчи варианти республикада — вазирликлар, идоралар, давлат комитетларида, халқ депутатлари область Советларида, кўп сонли жамоат ташкилотларида кенг муҳокама қилинди.

Бизга келган мулоҳаза ва таклифлар пухта ўрганилди, уларнинг кўплари бугун сизнинг муҳокамангизга киритилган қонун лойиҳасини тайёрлашда ҳисобга олинди.

Лойиҳа беш боб ва йигирма беш моддадан иборат. Унда жамоат бирлашмалари тушунчаси, уларни тузишдан мақсад ва фаолият принциплари белгилаб берилган.

Лойиҳага мувофиқ ғайриқонуний тарзда конституцион тузумни ағдариб ташлаш, СССР ва Ўзбекистон ССР ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўрликни ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, ижтимоий, шу жумладан жамиятнинг парчаланиб кетишига олиб борадиган синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний нифоқни авж олдириш, жиноий жазога тортиладиган бошқа ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган жамоат бирлашмаларини тузишга ва уларнинг фаолиятига йўл қўйилмайди.

Барча жамоат бирлашмалари Ўзбекистон ССР Конституцияси ва бошқа қонунлар доирасида иш олиб бориши кўзда тутилган. Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чегаралаш учун асос бўла олмайди, шу жумладан давлат ташкилотида мансабни эгаллаб туришнинг шарти ёки қонунда кўзда тутилган бурчларни бажармаслик учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Қонун лойиҳасида давлат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши ҳамда уларнинг ўз уставларида белгилаб қўйилган вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароитларни кафолатлаб бериш акс эттирилган. Шу билан бирга давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиши, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг ҳам давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди. Қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Лойиҳада жамоат бирлашмаларининг структураси акс эттирилган. Республикада умумиттифоқ ва республикалараро жамоат бирлашмаларининг бўғинлари, шунингдек республика, маҳаллий ва бошқа жамоат уюшмалари тузилиши ва амал қилиши кўзда тутилган. Уларга иттифоқларга бирлашиш ҳуқуқи берилади.

Лойиҳанинг иккинчи боби жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш масалаларига бағишланган. Бунда жамоат бирлашмалари камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилиши кўрсатиб ўтилади. Ўзбекистон ССР фуқаролари ушбу бирлашмаларнинг аъзолари бўлади. Бироқ жамоа бирлашмасининг уставида бирлашмага бошқа иттифоқдош республикаларнинг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар аъзо бўлиб кириши назарда тутилиши мумкин. Сиёсий партиялар бундан истиснодир.

Қонун лойиҳаси жамоат бирлашмаларининг уставларини рўйхатга олиш тартибини ҳамда рўйхатга олишни рад этиш асосларини батафсил белгилаб беради. Шу нарса жуда муҳимки, ҳар қандай жамоат бирлашмаси, шу жумладан умумиттифоқ жамоат бирлашмасининг бўғини ҳам фақат унинг устави республика ҳудудида рўйхатга олинганидан кейингина ҳуқуқий шахс деб эътироф этилиши мумкин.

Лойиҳанинг 11-моддасига мувофиқ умумиттифоқ жамоат бирлашмалари, халқаро, республикалараро бирлашмаларнинг Ўзбекистон ССРда иш олиб бораётган республика бўғинларининг, шунингдек республика ва вилоятлараро бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида рўйхатга олинади.

Фаолияти вилоят, ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудига ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудига ёйиладиган жамоа бирлашмаларининг уставлари халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советлари ижроия комитетларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Шу муносабат билан республика Адлия вазирлигининг биз кўраётган қонундан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Аслини олганда гап илгари вазирликка хос бўлмаган мутлақо янги вазифалар ҳақида боради.

Равшанки, вазирлик аппаратининг, вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия комитетлари адлия бошқармаларининг фаолиятини қайта қуриш соҳасида катта ишлар қилишга тўғри келади. Ўзбекистон ССР ҳукуматида ташкилий-молиявий ва кадрлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш зарур. Янги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги тўғрисидаги амалдаги низомни қайта кўриб чиқиш зарур.

Жамоат бирлашмаларининг фаолият ва ҳуқуқларига доир масалалар лойиҳанинг учинчи бобида акс эттирилган. 16-модда сиёсий партияларга, оммавий ҳаракатларга, касаба уюшмаларига тегишлидир. Партиялар ҳамманинг эътибори учун матбуотда босиб чиқариладиган дастурларга эга бўлиши, халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқотини олиб бориш, тегишли халқ депутатлари Советларида ўз тарафдорларидан депутатлар гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эга бўлиши кўзда тутилмоқда.

Жамоат бирлашмаларига ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш, уставларидаги вазифаларни бажариш мақсадида корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни тузиш ҳуқуқи берилади.

Лойиҳага кўра жамоат бирлашмалари матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ҳамда ноширлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Қонун лойиҳасининг тўртинчи боби жамоат бирлашмаларининг фаолиятини назорат қилиш масалаларига бағишланган. Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришлари устидан назоратни прокуратура идоралари амалга оширади. Жамоат бирлашмасининг устав қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни эса бирлашманинг уставини рўйхатга олган Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари амалга ошириши кўзда тутилган.

Жамоат бирлашмаси ўзининг уставида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан чиқиб кетадиган ёки қонунни бузадиган ҳаракатларни содир этган ҳолларда жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олган идора ёки прокурор ушбу бирлашманинг раҳбарига ёзма равишда огоҳлантириш юбориши мумкин. Бундай ҳаракатлар йил давомида такрорланган тақдирда суд қарори билан жамоат бирлашмаси тугатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси урушни, зўрликни, шафқатсизликни тарғиб қилган, ижтимоий, ирқий, миллий ёки диний адоватни авж олдирган ҳамда қонунга хилоф бошқа ҳаракатларни қилган ҳолларда ҳам суд қарори билан тугатилади.

Охирги боб жамоат бирлашмаларининг халқаро алоқаларига, халқаро жамоат бирлашмаларига, халқаро шартномаларга бағишланган. Хусусан, жамоат бирлашмалари ўз уставларига мувофиқ халқаро жамоат (ноҳукумат) уюшмаларига киришлари, тўғридан-тўғри халқаро алоқаларни амалга оширишлари, тегишли битимлар тузишлари мумкин.

Депутат ўртоқлар! Мен республикада жамоат бирлашмаларини тузиш, уларнинг фаолияти, ҳуқуқлари ва бурчларини акс эттирувчи асосий масалаларни қисқача баён этдим.

Тақдим этилган қонун лойиҳасини муҳокама этиб қабул қилишингизни сўраймиз.

ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бу йил энг яхши ўқитувчилар танловини ўтказмоқда. Район ва шаҳарларда ўтаётган дастлабки танловлар ғоят қизиқарли ва жозибали бўлаётир. Яқинда ана шундай байрам Тошкент шаҳрида ҳам бўлди.

Пойтахтнинг турли районларидан ташриф буюрган энг сара ўқитувчилар танловда муваффақиятли иштирок этдилар. Қизиқарли баҳслар, жозибали қўшиқ, рақслар ҳам ижро этилди.

Сиз суратларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «91-йил ўқитувчиси» танловидан лавҳаларни кўриб турибсиз. Ўнгда эса танлов ғолиби Куйбишев районидаги 27-мусиқа мактаби ўқитувчиси Галина Данильченко.

Суратларни Р. ШАРИПОВ олган.

Ашур ҲАЙДАРОВ

Республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1942 йилдан КПСС аъзоси Ашир Ҳайдаров 1991 йил 16 февралда 74 ёшида вафот этди.

А. Ҳайдаров 1917 йил 22 ноябрда Андижон вилояти Ленин районидаги Ленинобод қишлоғида туғилди.

У ўз меҳнат фаолиятини 1929 йилда Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш илмгоҳининг Фарғонадаги пахтачилик-бедачилик тажриба станциясида шогирдликдан бошлади.

1941 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик илмгоҳини тугатганидан кейин олти йил мобайнида республика комсомол идораларида ишлади. Ўзбекистон ЛКЁИ Андижон вилоят комитетининг биринчи котиби қилиб сайланди. А. Ҳайдаров 1947 йилдан буён партия ва совет ишларида ишлаб келди, Марҳамат ва Андижон район партия комитетларининг биринчи котиби, Ўзбекистон Компартияси Андижон вилоят комитетининг бўлим мудири ва котиби бўлиб ишлади. 1953—1954 йилларда Андижон вилоят қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи бўлди. 1956 йилда Андижон вилоят ижроия комитетининг раиси этиб, 1962 йилда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби қилиб сайланди.

1963 йилдан 1968 йилгача А. Ҳайдаров Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлади. Кейин хўжалик ишларида бўлди. У 1988 йилда пенсияга чиққанидан кейин ҳам ишлашни давом эттирди, ҳаётининг сўнгги кунларигача андижондаги 3-пахта тозалаш заводининг ёрдамчи хўжалигига мудирлик қилди.

А. Ҳайдаров ўзининг сергайратлиги ва ишда собитқадамлиги, доимо янги резервлар, янги ривожланиш йўлларини топишга ҳаракат қилиши, саховати, одамийлиги ва инсонпарварлиги билан ажралиб турарди.

Ҳамиша фаол ҳаётий мавқеда турган А. Ҳайдаров бир неча бор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Кенгашининг ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг депутати этиб сайланган.

А. Ҳайдаров меҳнатдаги хизматлари учун иккита Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан тақдирланган.

Коммунист Ашур Ҳайдаровнинг ёрқин хотираси уни билганлар ёдида абадий сақланиб қолади.

И. А. Каримов, Ш. Р. Мирсандов, М. И. Иброҳимов, А. С. Ефимов, А. И. Икромов, Ҳ. А. Исамуҳамедов, Р. Маматова, А. И. Фозилбеков, Ж. Ҳамидов, Ў. Ҳошимов, К. Ҳ. Ҳолмирзаев, Б. Т. Болтабоев, Р. Гуломов, П. Қ. Қаюмов, Т. Р. Каримова, Р. Ф. Файзиев.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

18 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов ҳузурида кенгаш бўлди. Кенгашда республика вазирликлари ва идораларининг, маҳаллий Советлар ва партия органларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Президент Кенгашининг Ўзбекистон миллий-маданият марказлари фаолияти ва улар ишини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Кенгашда ижтимоий турмушни янгилаш борасида республикада рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг эҳтиёжларини қондиришга доир тадбирлар билан бирга амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Бунга республикамизда ташкил қилинган ва миллий маданиятни, анъаналарни, тил, халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга, мамлакатимизда маданий алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга даъват этилган 37 та миллий-маданият маркази кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга, кенгашда республикамизда яшаётган миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш имкониятларидан ҳали етарли даражада фойдаланилмаётгани айтилди.

Баъзи халқ депутатлари маҳаллий Советлари, республика вазирликлари ва идоралари, партия органлари Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатли эканлигини ҳисобга олиш борасидаги ишларни суст қайта қурмоқдалар.

Ана шу барча ишларни такомиллаштириш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Советларига, вазирликлар ва идораларга, партия ва бошқа жамоат ташкилотларига муайян шароитга асосланган ҳолда миллий гуруҳлар ва уларнинг марказлари ўртага қўяётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриш тавсия қилинди. Бу ишга миллий маданиятни, ҳар бир халқнинг ўзига хос одатларини сақлаш ва ривожлантиришнинг, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қараш кераклиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Диққат: янги рўзнома

«ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

● Республикамиз матбуоти таркибида яна бир катта воқеа содир бўлмоқда: тез кунлар ичида янги рўзнома — «Ишонч» ҳафтаномасининг биринчи сони хонадонингизга кириб боради.

Маълумки, ўттизинчи йилларда нашр этила бошлаган «Ишчи» рўзномаси урушдан олдинги йилларда ишчи ва колхозчилар томонидан севиб ўқиларди. Тинч қурилиш йилларида унинг ранг-баранг мавзулардаги мақолалари муштарийларни мардона ишлашга чорларди, мамлакатимизда социализм жамияти қуришга илҳомлантирарди.

Республика касабачиларининг кўпдан буён кутилаётган рўзномасига «Ишонч» деб ном берилди. Бундай органнинг яратилиши касабачилик ишида ошкоралик ва демократияни авж олдириш заруратидан келиб чиқди. Унинг дастурий мақсади ва вазифаси муштарийни республика касаба уюшмаси ҳаётининг ранг-баранг қирралари билан изчил таништириб боришдан иборатдир.

Ҳафталик рўзнома касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилаётганини, улар ўз бурчларини қай тарзда бажараётганликларини кенг ёритиб боради. Рўзнома ечилиши мушкул масалаларни ҳал этишда жамоатчилик кучларини уйғунлаштиради. Унинг саҳифаларида касаба уюшмалари аъзолари орасида тегишли ташкилий, сиёсий-тарбиявий ва маданий оқартув ишларини олиб бориш масалалари ўз аксини топади.

Ҳафталик ўз саҳифаларида шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар маъмурияти билан касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг сиёсий ҳарактерини очиб беришни ҳам режалаштирган. Илғор меҳнат жамоалари иш тажрибаси кенг ёритилади. Республика ишчилар синфининг илғор намоёндалари, иш ташкилотчилари муаллиф сифатида мақолалар билан қатнашиб, уларда ўз ишларининг сир-асрорлари билан ўртоқлашадилар.

Ҳафталик рўзноманинг илк сони шу йилнинг 21 март — Наврўз кунида нашр этилади. 1991 йилда унинг жами 40 сони чиқади. Ҳафталикнинг индекси: 64560, унинг формати «Правда» газетасининг ярмидек бўлиб, 16 саҳифадан иборатдир.

Шу кунларда «Союзпечать»нинг барча агентликларида «Ишонч»га обуна қабул қилинмоқда. Агар янги рўзнома билан яқиндан ошно бўлишни истасангиз унга тезроқ обуна бўлинг. Обуна баҳоси бу йил фуқаролар учун 6 сўм, ташкилотлар учун 8 сўмдир.

Болтабой ЮСУПОВ,
«Ишонч» ҳафталик рўзномаси бош муҳаррирининг ўринбосари.

ВИЛОЯТЛАРДАН ХАБАРЛАР

• Қайта қуриш—жонли жараён

ТАФОВУТНИНГ БОИСИ НИМА?

Қизилқум марказида барпо қилинган кўча ва хиёбонларини айланган кишининг саройлари, замонавий кино-театрлар, салари халқ эҳтиёжлари учун хизмат

Шаҳарлардаги муҳташам иморатларда истиқомат қилишяпти. Атрофдаги ишлаган. Аммо бу ерларда оддийгина жи учун энг зарур шароитлар ҳам деярли

Бир минтақадаги бундай кескин мана шу савол билан вилоят, шаҳар ва қилдик.

Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари, кўнгли яйрайди. Сервиқор маданият саоғлиқни сақлаш, маиший хизмат муассасқилмоқда.

олтинтопарлар, кимёгарлар, энергетиклар яйловларда эса чўпон-чўлиқлар макон қуруйлар у ёқда турсин, меҳнаткашлар эҳтиёйўқ.

ижтимоий тафовутнинг боиси нима! Худди район даражасидаги уч раҳбарга мурожаат

Д. С. ЕДГОРОВ,

Вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси:

— Бундай аҳволнинг боиси аввало ўн йилликлар мобайнида меҳнаткашларнинг ижтимоий ривожланишига бир ёқлама муносабатда бўлиш, айрим марказий маҳкамаларнинг худбинлигидир.

Қизилқум ер ости бойликларидан узоқ йиллар фойдаланган баъзи бир муассасалар у ердаги туб аҳоли эҳтиёжларини назар-писанд қилишмади. Натижада бир томонда осмонўпар бинолар қад кўтарган бўлса, иккинчи томонда чорвадорнинг қора ўрдаси бирон бир ўзгаришсиз қолаверди.

Бундай аҳволга эндиликда чек қўйиш мақсадида яқинда биз юқорида қайд этилган шаҳарларда корхоналари жойлашган марказий маҳкамалар раҳбарларига расмий равишда мурожаат этдик. Мавжуд аҳвол изоҳлаб берилгандан кейин тегишли келишувга эришишга муваффақ бўлдик.

Чунончи, шу йилдан бошлаб СССР Атом энергетикаси вазирлиги Қизилқумдаги конлардан қазиб олинаётган ҳар бир грамм олтин эвазига маҳаллий бюджетга 20 сўмдан маблағ киритадиган бўлди. Қазиб олинаётган олтин эса граммлар ёки килограммлар билан эмас, тонналар билан ўлчанаётгани ҳисобга олинадиган бўлса, бу нақадар катта маблағни ташкил қилиши яна ҳам аён бўлади.

Дарҳақиқат, Томди, Конимех, Учқудуқ яйловларида яшаб, Бухоро қоракўлининг шуҳратини оламга таратаётган чорвадорларимиздан биз ҳали анчагина қарздормиз. Яқин йиллар мобайнида улар учун замонавий ўрғонлар қуриш, қўйчивонларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш учун барча шароитлар яратилади.

Г. А. ПРОХОРОВ,

Зарафшондаги Марказий кон бошқармаси директори, вилоят партия қўмитаси аъзоси:

— Чиндан ҳам зарафшонлик олтинтопар- ва томдилик чорвадорлар турмуш даражасидаги кескин тафовутни бартараф этиш вақти аллақачонлар етган. Бу соҳада йўл қўйилган нуқсонларни ошкоралик даврида хоҳ истайлик, хоҳ истамайлик тан олишга тўғри келади.

Янги йил арафасида биз Ер тўғрисидаги Қонунга биноан хом ашё ресурсларидан фойдаланиш учун тўлов тариқасида республика бюджетига бериладиган маблағ ҳажмини ҳисоблаб чиқдик. Бу маблағ деярли бир миллиард сўмни ташкил қилар экан. Илгари бу маблағлар марказий бюджетлар орқали кўр-кўрона бўлинар эди. Эндиликда уни қандай тақсимлаш масаласи республика парламентида ҳал қилинади.

Корхонамиз меҳнат жамоаси йил давомида ишлаб топадиган даромаднинг атиги 17 миллион сўми ўзимизда қолдирилади. Шундай бўлишига қарамай, чорвадор қўшниларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга баҳоли қудрат ҳиссамизни албатта қўшамиз.

М. Б. СУЛЕЙМЕНОВ,

Томди район партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари район Кенгаши раиси:

— Мамлакат валюта фондига салмоқдор ҳисса бўлиб қўшилаётган Зарафшон тилласи чорвадорлар макони бўлган мавзеда қазиб олинишига қарамай, улар узоқ йиллар бундан сира манфаат кўришмади.

Мана, ўтган йили ҳам маҳаллий бюджетимиздаги тақчиллик 8 миллион сўмни ташкил қилди. Конимех, Учқудуқ районларидаги аҳвол ҳам бундан яхши эмаслигига ишончим комил.

Жумладан, районимизнинг Калинин номли давлат хўжалигини олайлик. Хўжаликдаги 120 отардан атиги 40 тасида чўпонларнинг яшаш учун уйи бор, холос. Қолганлари ҳамон эски ўтовларда оилалари билан яшамоқдалар. Бу йилги қаҳратон совуқларда уларнинг аҳволи нима кечганини тасаввур қилиш мумкин.

Биз марказга бўйсунаётган корхоналар меҳнат жамоаларидан шунчаки бир ҳиммат эмас, амалий мадад кутишга ҳақлимиз. Вилоят жанубидаги меҳнат жамоалари бу соҳада амалий ёрдам кўрсатишга киришдилар. Улар етказиб бераётган дағал хашак, ем туфайли юз минглаб қўй-эчкиларни яйловни қалин қор қоплаган кунларда нобуд қилмай сақлаб қолиш мумкин бўлди.

Ўроқ ва Болға иттифоқи келгусида чинакам амалий тус олишига ишонамиз.



Бухоро тарихий ёдгорликларга ғоятда бой шаҳар. Бу ерда 600 дан ортиқ меъморлик обидалари давлат ҳимоясига олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги малакали мутахассислар, моҳир усталар томонидан таъмирланмоқда.

СУРАТДА: Мир Араб мадрасасининг гумбази тасвирланган.

Р. ҒОФУРОВ ва С. ВЕЛИЧКИН олган сурат.

Бухоро

Бухоро зардўзлик фабрикаси жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳаммага манзур.

СУРАТДА: моҳир зардўзларнинг иш жараёни акс эттирилган.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

● ТАДБИРКОРЛИК

ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИБ

Бундан бир неча йил муқаддам Свердлов районида биронта ҳам саноат корхонаси йўқ эди. Аҳоли сони эса олти хонали рақамга яқинлашиб қолган. Бундай шароитда кишиларни иш билан таъминлаш энг муҳим муаммо бўлиб қолиши табиий ҳол.

Халқ депутатлари район Кенгаши ва район партия қўмитаси бу соҳадаги амалий ҳаракат дастурини муваффақиятли равишда ҳаётга татбиқ этаётир. Айни маҳалда Далмун қишлоғида 3 миллион шартли банка маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган консерва цехи қурилиши поёнига етмоқда. Уни район тайёрлов идораси меҳнат жамоаси барпо қиляпти.

Тула шаҳри тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали эса Киров меҳнат жамоаси хўжалиги ҳудудида қурилмоқда. Ноҳия маркази Жондорда сут маҳсулотлари заводи қурилиши давом этмоқда, вино заводи ҳузуридаги консерва цехида лойиҳа қувватларига эришилмоқда. Мазкур корхоналар тўла ишга тушиши туфайли районда ярим мингга яқин киши иш ўринлари билан таъмин этилади.

● ЯНГИ РЎЗНОМА

«ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ОВОЗИ»

Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлими меҳнат жамоаси кенгашининг мана шу номдаги матбуот нашри Ўзбекистон ССР Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинди.

Район рўзномаси ҳажмида ойда икки марта чиқадиган янги нашрнинг дастлабки икки сони темирйўлчилар қўлига етди. Уларда темирйўлчиларнинг ҳаёт ташвишлари ва қувончлари, тармоқда, ҳаракат самарадорлигини ошириш муаммолари ўз аксини топган.

● КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ

ЗАРДЎЗЛАР МАҲОРАТИ

Бухоро зардўзлик фабрикасининг чеварлари ўтган йилни 5 миллион сўмликдан зиёд кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш билан якунладилар. Бу режалар белгиланганидан 16 фоиз кўпдир.

Зардўзлар бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга пухта тайёргарлик билан келишди. Мазкур йилдан бошлаб бу ерда «Зулхумор», «Чорбодом», дўппилари, «Баҳор», «Ёрқин» пойабзаллари, турли сўзаналар, аёллар ва болалар кийимлари, бошқа турдаги амалий санъат намуналарини ишлаб чиқишга киришилди.

Бундай турдаги маҳсулотларнинг чет эллик ва совет сайёҳлари ўртасида бозори анча чаққондир.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЭЛЕКТРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида қанчадан-қанча кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкинлиги ҳаммага маълум. Лекин шунга қарамасдан, кўпинча ишда ҳам, уйда ҳам бу қоидаларга риоя қилинмайди ва электр иситиш асбобларига бепарволик билан муносабатда бўлиш оқибатида ёнғин ҳодисалари келиб чиқади.

БУНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАР ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

Электр иситиш асбобларини ёнадиган буюмлар устига, пардалар, дарпардалар, каравотлар, гулқоғоз ёпиштирилган деворлар ва ёғоч тўсиқлар яқинига қўйиш тақиқланади. Кийим-кечакларни дазмоллаётганда қизиб турган дазмолни фақат ёнмайдиган сопол ёки ғишт тагдонга қўйиш лозим. Дазмоллаб бўлганингиздан сўнг дазмолни ўчириб қўйиш керак.

Электр чойнакни ҳам вақт ида ўчириб қўйиш зарур. Агар у ўз вақтида ўчирилмаса, чойнак ичидаги сув буғланиб, чойнак эриб кетади ва унга тегиб турган туташ буюмларни куйдиради.

Электр печкалар ҳам катта ёнғин хавфига эга. Шунинг учун ёнғинга қарши қоида ларга қатъий риоя қилинган ҳолда фақат фабрикада тайёрланган печкалардангина фойдаланишга рухсат этилади.

ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚУЙИДАГИЛАР МАН ЭТИЛАДИ:

— Электр симларини мих ларга осиш;
— иссиқ ҳолда қалайлашсиз ва изоляцияси очилиб қолган ялангоч симларни улаш;
— симлар устидан гулқоғоз ёпиштириш;
— куйган муҳофаза қурилмаси (предохранитель)ни кўлда ясалган мослама билан алмаштириш;
— электр чироқларини қоғоз ёки матодан тайёрланган абажур билан тўсиш;
— носоз виключателлар, розеткалар, патронлар ва электр иситиш асбобларидан фойдаланиш;
— кийим-кечаклар ва бошқа нарсаларни электр симларига ва виключателларга осиш;
— ишлаб турган телевизор ва приёмникларни назоратсиз қолдириш.



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЧИРИШ ЖАМИЯТИ.
«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ШИРКАТЛАР ДИҚҚАТИГА!

26—27 февраль кунлари

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА

(Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 30-уй — Шимолий темир йўл вокзали ёнида)

«ТАШГЛАВСНАБ»

идорасининг

ТИЖОРАТ-АХБОРОТ МАРКАЗИ

Ишлаб чиқариш техника маҳсулотлари, фойдаланилмаган материаллар ва ускуналар савдоси бўйича

УЛГУРЖИ-САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-06-80, 33-05-48.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1991 йил апрелдан бошлаб

«ИШОНЧ»

«Доверие»

ҲАФТАЛИК РЎЗНОМАСИ

нашр этила бошлайди

Нашр индекси: 64560.

Рўзномага обуна қабул қилиш пунктлари ва алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

«СОЮЗПЕЧАЬ» ЖУМҲУРИЯТ АГЕНТЛИГИ

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси жамоаси рўзноманинг собиқ бўлим мудири, пенсионер, таҳририят жамоатчилик қабулхонаси ходими Т. Унабоевга онаси

Гулистон ШОАЪЗАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректорати, партия, касаба союз ташкилотлари «Халқаро иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили» кафедраси мудири, доцент А.Эрдонаевга отаси

Ҳалим ЭРДОНАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент болалар шифокорлари олий билимгоҳи ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда умумий ва биоорганик кимё кафедраси жамоаси кафедра катта ўқитувчиси А. Ғ. Қаҳҳоровга қизи

Наргиза ҚАҲҲОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника олий билимгоҳи раҳбарияти, фирқа ва касаба уюшмаси қўмиталари, 2-сиёсий тарих кафедраси аъзолари шу кафедранинг катта ўқитувчиси А. Мирзаевга онаси

Шаҳринисо МИРСАИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

● ТИЖОРАТ

«ЙЎЛЧИ» СИЗГА МУНТАЗИР

Яқин кунлар ичида катта Зарафшон трактининг Бухоро шаҳрига кириш ёқасида «Йўлчи» деб номланган янги чойхона ишга тушди. Уни Бухоро республика аҳамиятига молик йўллардан фойдаланиш бошқармаси меҳнат жамоаси барпо қилди. Йўловчилар бу ерда шаҳарга киришдан олдин мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратилган.

Бу кейинги ойларда бошқарма томонидан барпо қилинган бир неча савдо хизмати тармоғидан биридир. Бундан илгари унинг ёнида новвойхона иш бошлади. Эндиликда улар шинам бир бозорча қурилишини ҳам бошлаб юбориш тараддудида.

● ОБИҲАЁТ

ДАМХЎЖАНИНГ ШИРИН СУВИ

Қишлоқ хўжалигида кейинги ўн йилликлардаги масъулиятсиз фаолият туфайли Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар ичимлик сувида минерал тузлар миқдори нормадан ортиқлиги инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Мана, бир неча йил бўляптики, Бухоро вилоятида бу муаммо амалий тарзда ҳал қилинмоқда.

«Ичимлик суви» ҳаракат дастурига биноан Самарқанд вилоятидаги Дамхўжа ерости денгизини мана шу мақсадларга йўналтириш тадбирлари кўриляпти.

Кейинги уч йилда 280 километр узунликдаги «Дамхўжа-Навоий-Бухоро» йирик сув қувури қурилишида 90 миллион сўмликдан зиёд иш ҳажми бажарилди. «Бухарагазпромстрой», «Югпроммонтаж» трестлари, «Узбекэнерго», «Узбекгидрогеология» бирлашмалари меҳнат жамоалари ғайрати билан янги сув йўлининг дастлабки босқичида бунёдкорлик ишлари поёнига етай, деб қолди.

Шу йилнинг баҳорида Дамхўжанинг ширин суви Навоий шаҳрига етиб келади. Келгуси йилнинг охиригача эса ундан бухороликлар ҳам баҳраманд бўлиш умидида.

● ТАЪМИРЛАШ

БЎРСИЛДОҚ НОНЛАР

Кейинги ойларда Бухоро савдо тармоқларида олий навли ун тақчил маҳсулотлар қаторига кирди. Шартнома интизомига риоя этилмаётгани, вилоят дон ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида эса технология жараёнлари эскириб қолгани шундай оқибатларга олиб келди.

Бухоро дон маҳсулотлари комбинати меҳнат жамоаси бундай аҳволга чек қўйиш тадбирларини кўрмоқда. Бу йил комбинатнинг тегирмон ишлаб чиқаришида барча технология ускуналарини янгилаш кўзда тутилаётир. Таъмирлаш ишларига 6 миллион сўм маблағ ажратилган. Шу туфайли комбинатда ишлаб чиқарилаётган олий навли ун миқдори ҳозирги уч фоиздан 35 фоизга етади. Уй бекалари бундан мамнун бўлишлари шубҳасиз.

(Ахборотлар туркумини рўзноманинг вилоят мухбири Нусратулла НАИМОВ тайёрлаган).

ЯССАВИЙХОНЛИК

● Куни кеча Ҳамза ноҳиясидаги Аҳмад Яссавий маҳалласида яссавийхонлик бўлиб ўтди. Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллага тасаввуф адабиётининг йирик вакили номи қўйилишида ҳам адабиёт ва санъат ихлосманди, шу маҳалла комитети раиси М. Расулмуҳамедовнинг ташаббускорлиги асқотган эди.

Яссавийхонликда филология фанлари номзоди, «Ҳикматлар» китобини нашрга тайёрлаган И. Ҳаққулов, Ғ. Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти бош директори Б. Шарипов, филология фанлари номзоди С. Аҳмедов, ёзувчи Н. Қиличевлар алломанинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида гапириб бердилар.

Амир Темур номли 155-мактабга йиғилганлар шеърлар, куй-қўшиқлар тингладилар, рақслар томоша қилдилар. Кўпчиликка манзур бўлган яссавийхонлик ниҳоясида ҳали босмахона бўёғи қотмаган Яссавий «Ҳикматлари»нинг дастлабки нусхалари тарқатилди.

А. МАННОПОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

Чанғи учиш:

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

● Василиса асли чирчиқлик. Чимён тоғ этакларида жойлашган спорт комплексида маҳорат оширган. Бинобарин, мамлакатимиз спортчилари жаҳон чемпионатига Чимёнда тайёргарлик кўришган эди. Ғолиблик учун кураш муросасиз баҳсга айланди. Бунинг устига 20 даража атрофида совуқ бўлиб турди. АҚШнинг Лейк-Плэсид шаҳрига тўпланган спортчилар қийин аҳволда қолишди. Зеро, 24 ёшли Василиса бўш келмади. У чанғида акробатика машқларини бажариш бўйича маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супасига кўтарилди. В. Семенчук жами 154,11 та очко тўплаб, жаҳон чемпиони бўлди. Унинг ҳамюрти — Чусовой шаҳридан С. Шуплецов эса чанғида балет ўйнаш, акробатик ҳаракатлар қилиш бўйича зафар қучди.

СПОРТЛОТО

● Бўлиб ўтган 7-тираж ўйинларида қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди: «45 дан 6»: 2, 17, 19, 23, 32, 38. «36 дан 5» 9, 11 ,20, 32, 33.

СПОРТПРОГНОЗ

● 7-тираж ўйинларида қуйидаги натижалар маълум бўлди: 1—Х, 2—1, 3—Х, 4—1, 5—1, 6—1, 7—1, 8—1, 9—1, 10—2, 11—Х, 12—1, 13—Х.

Эслатма: биринчи рақам командалар жуфтлиги, иккинчиси учрашув натижалари.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-84, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ -одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4871.

№ 36. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12